Р. Узбекистан китоб палатаси
Инв. № 11 ОКТ 15891
Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 232 (5523).
10 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Хусан Гумаргалиев Тошкент агрегат заводининг кекса ишчиларидан бири. Корхона ветерани ҳозирги кунда юбилейолди социалистик мусобақасида пешқадамлик қилиб, юксак кўрсаткичларни қўлга киритяпти. У қутлуғ сана шарафига 1985 йил план-топшириқларини бажарганлиги ҳақида куни-кеча рапорт берди.

СУРАТДА: фидокор ишчи Х. Гумаргалиев.

В. Сироткин фотоси.

ЗАФАРЛАРИМИЗ— ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Яман Араб Республикасининг Президенти А. А. Солих СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан 9 октябрь куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кремлда, Катта Кремль саройи олдидаги майдонда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко А. А. Солихни табриклаб кутиб олди.

Кремлда кутиб олиш маросимида Н. А. Тихонов, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико ҳозир бўлдилар.

● «Совет Ўзбекистони» ва «Советтик Киргизстан» газеталарининг бугунги қўшма сони Қирғизистон ССР ва Қирғизистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиевнинг «Асрларга тенг йиллар», Қирғизистон ССР халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреати Чингиз Айтматовнинг «Тоғлар ўлкаси», Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, Тўнг районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг бош чўпони Т. Акматовнинг «Олатов сурлари», Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Иманалиевнинг «Фаннинг олдинги марраларида» сарлавҳали мақолаларида қардош республиканинг шонли 60 йил ичида эришган улкан зафарлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Шунингдек, шу қўшма сондаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Ғаниевнинг «Фахр» мақоласида, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Асқад Мухторнинг «Олтин нурларингда тебрат дунёни» шеърида ва бошқа муаллифларнинг мақолаларида икки республика ўртасидаги ўзаро қардошлик алоқалари тараннум этилган.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

БУГУН

мамлакатимизда ГДР маданияти кунлари бошланди. У немис халқи фашизм асоратидан озод этилганлигининг 40 йиллиги ва Германия Демократик Республикаси ташкил топганлигининг 35 йиллигига бағишланади. Уз навбатида бу кунлар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча ҳамкорликнинг ёрқин намойишига айланади.

— Республикамизнинг улуғ Ленин мамлакати билан дўстона алоқалари ва ҳамкорлиги СССРда ўтадиган ГДР маданияти кунларида яққол намоён бўлади,— деган эди ГДР маданият министри ўринбосари Дитмар Келлер бундан бир неча кун олдин Берлинда бўлиб ўтган совет журналистлари билан суҳбатда.— Маданият кунларимизнинг кенг программаси совет халқига республикамиз маданияти ва санъати ҳақида етарлича тасаввур беради.

Ватанимизнинг Москва, Ленинград сингари марказий шаҳарлари қатори Тошкентда ҳам Германия Демократик Республикасининг бир қатор санъат коллективлари меҳмон бўлишади. Шунингдек, тасвирий санъат усталарининг энг яхши асарлари намойиш этилади.

Н. САЪДУЛЛАЕВ.

• *Истеъмол буюмларига — кенг йўл*

КАТТА МИҚДОРДА

Пойтахтимиздаги «Ташхимсельмаш» заводи коллективи асосий маҳсулот — қишоқ хўжалиги экинларни зараркунандаларига арши курашда қўлланиладиган чанглагичуркагич машиналарини ташқари аҳолига ҳузур бўлаётган кенг стеъмол буюмларини ам катта миқдорда шлаб чиқармоқда. озирги кунда корхоада кенг қулоч ёйган юбилейолди мусобақа асосий маҳсулот урлари билан бир қаорда ана шу буюмларни ҳам сифатлилиги ва миқдорини кўпайтиришга қаратилган.

БУГУН

корхонада йил бошидан бери тайёрланган оммабоп маҳсулотлар 2 миллион сўмликдан ошиб кетди. Завод фидокорлари Ўзбекистонимизнинг қутлуғ юбилейи йилида 3 миллион 500 минг сўмликдан зиёд аҳоли эҳтиёжини қондирадиган маҳсулот тайёрлашга қатъий қарор қилишган. Бу ўтган йилдагидан икки баравар кўпдир.

Ҳозирги кунда корхонада «Ором» чойкофе сервизи, кичкинтойларга мўлжалланган стол-стулчалар, уй бекаларини хушнуд этадиган янги мантиқасқонлар мувaффақият билан тайёрланмоқда. Заводда авж олган социалистик мусобақада Рустам Ҳамроқулов, Олия Саидхўжаева, Абдувоҳид Ҳамидов сингари юзлаб фидойилар пешқадамлик қилишяпти.

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

БУГУН

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг реле ва автоматика заводи коллективи хорижий мамлакатларнинг навбатдаги буюртмасини муваффақият билан бажариб, Германия Демократик Республикаси ҳамда Туркияга ўз маҳсулотларининг катта туркумини жўнатди. Ҳозирги кунда шаҳримиздаги ушбу корхона барча социалистик мамлакатлар, шунингдек, ўндан зиёд капиталистик мамлакат билан узвий иқтисодий алоқа боғлаган.

Корхона коллективи юбилейолди социалистик мусобақасида фаол қатнашиб, шу кунларда программавий бошқаришнинг янги системаси комплектини юқори сифат билан тайёрлашга эришяпти. Қутлуғ йилнинг сўнгги ойигача ана шундай маҳсулотдан 400 комплект-дона ишлаб чиқарилиши мўлжалланган.

• ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

УЛАРНИ НАЗОРАТЧИЛАР ДЕЙИШАДИ

Ўртоқ К. У. Черненко халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида капитал қурилишда ҳали ҳам уюшқоқлик етишмаётганлигини таъкидлаб ўтди. «Кўпинча қурилиш ишлари сифат жиҳатидан паст даражада олиб борилмоқда, уларни бажариш муддатлари барбод бўлмоқда. Бу нарса бизнинг ишлаб чиқариш планларимизга ҳам, меҳнаткашларнинг шаҳсий манфаатларига ҳам зарба бермоқда». Партия капитал қурилишидаги аҳволни тузатиш тадбирларини оғишмай амалга оширишда халқ контролининг актив кўмагига таянмоқда.

Трестимизда назоратчилар кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда 200 га яқин ишчи ва инженер хўжасизликка, исрофгарчиликка яна ҳам мустаҳкам тўсиқ қўймоқда, ишларни ташкил этишдаги ва технологиядаги камчиликларни қайд этиб бормоқда. Масалан, бу йил халқ контролёрларининг ўз вақтида аралашуви туфайли Новомосковская кўчасидаги мактаб қурилишида сифатсиз конструкциялардан фойдаланишнинг олди олинди, Бешёғоч массивидаги мактаб биносида сувоқчилар ва бўёқчиларни камчиликларни бартараф этишга мажбур қилди. Назоратчилар бир қанча объектларда материаллар ва конструкциялар ноўўрни сақланаётганлигига, бу эса неча минг сўмлаб маблағнинг исроф бўлишига олиб келаётганлигига раҳбарларнинг диққатини тортдилар.

Бундай мисолларни кўплаб айтиш мумкин. Ҳар ҳолда биз ўз ишимиздан тўла қониқаяпмиз, деб айта олмаймиз. Баъзан қурилишни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар назоратчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Кенгашда ўз вақтида айтилганидек, ҳар бир кишига ўзини ишлаб чиқариш хўжайини эканини актив кўрсатиш ҳуқуқи берилган ва унинг зиммасига шундай вазифа юкланган. Бу эса демократиямизнинг асосий моҳиятидир.

М. ЭРГАШЕВА,
153-қурилиш трести халқ контроли группасининг раиси.

ДЕТАЛЛАР ЖЎНАТИЛДИ

БУГУН

СССР 50 йиллиги омли Тошкент трактор заводи» ишлаб иқариш бирлашмасида тайёрланган эҳтиёт қисмлар Фрунзе амда Херсон шаҳарлари буюртмачиларига жўнатилди. Корхонанинг 2-механикаийғув цехида юксак сифат билан тайёрланган ўндан зиёд деталлар ушбу шаҳарлардаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларида ишлаб чиқарилаётган машиналарга ишлатилади.

Тошкентлик трактторсозлар ўтган ойда 23 мингдан ортиқ запур деталларни ўз буюртмачиларига етказиб беришди. Октябрь ойида шунча миқдордаги маҳсулот Калячинск ҳамда Новая Брянь шаҳарлари буюртмачиларига етказиб берилади.

Юбилейгача тўрт йиллик план бажарилади

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 4-трестнинг 18-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Николай Левчук бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи тўққиз ойлик иш якунига кўра бошқармада биринчи ўринни эгаллади. Юбилейолди меҳнат вахтасида юксак унум билан меҳнат қилаётган қурувчилар «Салор» массивида яна бир йигирма квартирали беш қаватли уйни фойдаланишга тахт қилиб қўйдилар. Ҳозирда эса Шастри кўчасида 400 ўринли тўрт қаватли ётоқхона қурилишини бошлаб юбордилар.

Илғор иш усулларидан, қурилиш материалларидан, вақтдан унумли фойдаланаётган Н. Левчук бригадаси смена топшириқларини 20—25 процентга ошириб адо этмоқдалар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига юксак социалистик мажбурият олганлар. Қурувчилар бу шонли санага қадар ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йиллик топшириғини бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

М. ФЕЛЬДМАН.

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

КАТТАЛАР БИЛАН БИР САФДА

Фоторепортаж



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 9

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ газеталари, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.



Мана бир неча кундирки, Ўзбекистон пойтахти мактабларининг юқори синф ўқувчилари Тошкент, Сирдарё ва Жиззах области пахта далаларида меҳнат қилишяпти. Улар фидокорона меҳнат қилиб, катталардан ортда қолмасликка ҳаракат қилишмоқда. Яқинда «Тошкент оқшоми»нинг матбуот группаси Пушкин номли ва «Ўзбекистон ССР 60 йиллиги» совхозларида бўлди. Бу хўжаликларда Киров районидаги 240 ва Собир Раҳимов районидаги 22-мактабларнинг ўқувчилари чўлқуварларга «оқ олтин»ни тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олишда яқиндан ёрдам беришяпти. Тўқкизинчи синф ўқувчилари Ф. Маҳкамов, Б. Салмонов (юқоридаги суратда — чапдан-ўнгга) ҳар куни хирмонга 50—60 килограммга етказиб пахта тўкишмоқда. Ўртадаги суратда— ўз тенгдошларидан ортда қолмаётган 240-мактаб ўқувчилари тасвирланган.

Объективда ҳамма илғорларни тасвирлаш қийин. Чўл хўжаликларида меҳнат қилишаётган бошқа мактабларнинг ўқувчилари ҳам фидокорона меҳнат қилишмоқда. Улар шуни яхши билишадики, ҳозирги кунда Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир меҳнаткашнинг вазифаси даладаги ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишдан иборатдир. Юбилей йили топшириқларини муддатидан олдин бажариб, шонли республикамизнинг олтин тўйига муносиб совға ҳозирлаш энг улуғ ишдир.

Кун сайин Ўзбекистоннинг юксак хирмони учун кураш қизғин тус олмоқда. Пахта даласида меҳнат қилаётган ҳар бир ҳашарчи унинг олдинги қаторида бўлиши керак.









ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Якунлар чиқарилди

9 октябрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 1984 йилнинг январь-сентябрь ойларида шаҳар хўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантириш планн, социалистик мажбуриятлар ва бюджетнинг бажарилиши якунлари ҳамда беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқлари бажарилишини таъминлаш бўйича вазифалар тўғрисидаги масала кўрилди. Кейин ижроия комитет шаҳар иссиқлик манбаларн, иссиқлик тармоқлари ва уй-жой фондининг 1984-1985 йил куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлиги масаласини кўриб чиқди. Шунингдек, транспортнинг пассажирларга хизмат кўрсатиш бўйича ишини яхшилаш масаласи муҳокама этилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров қатнашди.

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИ УЧУН

МОСКВА. Бугун Союзлар уйининг Колонна залида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун А. Карпов — Г. Каспаров матчининг ўн биринчи партияси ўйналади. Матчда 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаётган жаҳон чемпиони А. Карпов оқ доналар билан ўйнайди.

* * *

ВОЛГОГРАД. Кеча бу ерда шаҳар пионер ва ўқувчиларн саройида аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг ўнинчи партияси ўйналди. Партия 41-юришда кечиктирилди. Бугун ана шу партия ниҳоясига етказилади. Ҳозирча матчда ҳисоб тенг — 4,5:4,5.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 12 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 9—11, эртага кундуз 25—27 даража иссиқ бўлади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент политехника институтида «Технология жараёнларининг иссиқлик физикаси» мавзуида VI Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси очилди. Конференцияни СССР Фанлар академиясининг металл материалларни олиш ва ишлов беришнинг янги жараёнлари» проблемаси бўйича илмий Совети, Техника уйи ва Тошкент политехника институти ташкил этди.

Ана шу ваколатли анжуманда иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарларининг 200 га яқин таниқли олимлари, мамлакатимиз илмий марказларининг етакчи мутахассислари иштирок этишмоқда.

Сотувда бўлган маълумот

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борниши тўғрисида шу йил 9 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,13	66,00
Тошкент	0,12	63,02
Андижон	0,92	59,25
Наманган	0,94	56,00
Сурхондарё	0,74	51,97
Хоразм	2,23	44,71
Бухоро	1,00	42,31
Самарқанд	0,40	40,56
Сирдарё	0,36	34,86
Навоий	0,86	34,57
ҚҚАССР	2,10	31,21
Жиззах	0,10	30,88
Қашқадарё	0,11	27,38
Республика бўйича	0,82	45,86

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

Замонавий саноат ишлаб чиқаришини қирқувчи асбоблар, қолиплар ва бошқаларсиз тасаввур этиш қийин; албатта. Буларни эса Тошкент асбобсозлик заводи тайёрлайди. Асбобсозлар ўз маҳсулотларини мамлакатнинг ўнлаб саноат корхоналарига, салкам 70 та чет эл мамлакатига жўнатмоқдалар.

Асбобсозлик заводи замонавий технологик дастгоҳлар билан жиҳозланган. Бу ерда кўпгина ветеранлар меҳнат қилишади. Кейинги йилларда ёш ишчи кадрлар етишиб чиқди.

Корхона партия ташкилоти ҳисобида 118 коммунист бор. Уларнинг кўпчилиги цехларда ва ишлаб чиқариш участкаларида ишлашади. Завод партия ташкилоти составида 10 та цех партия ташкилоти бор.

Бу корхона ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йилида беш йилликнинг контроль рақамлари даражасига чиқиб олди, план 266 минг сўмга ошириб бажарилди. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи ичида эса товар маҳсулотлари тайёрлаш плани 101,7 процент бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 6,3 процентни ташкил этди. Маҳсулот реализация қилиш плани 100,2 процент бажарилди.

Бироқ партия бюросининг секретари Р. Абдуллаев ўз докладида таъкидлаганидек, бу йил завод коллективининг иши бир маромда бормади. Баъзи ойларда корхона товар маҳсулоти ишлаб чиқариш планини ошириб бажарди. Февраль ва сентябрь ойларида эса аҳвол бўшашиб кетди. Тўғрисини айтганда, планни уддалай олишмади. Докладчи бунинг сабабларини ҳам айтиб ўтди. Металл етишмайди, кадрлар қўнимсизлиги мавжуд. Технологик ускуналар тез-тез бузилиб туради. Уларнинг ремонти сифатсиз қилинади. Меҳнат бўш ташкил этилган. Меҳнат интизомининг пастлиги, прогуллар ҳисобига тўққиз ойда 322 киши-куни йўқотилган. Социалистик мусобақа таъсирчан эмас.

Хўш, партия бюроси қаёққа қаради? У ишларнинг аҳволини биларди. Қуруқ кузатувчи бўлиб қолавердими? Йўқ, албатта. Ҳисобот даврида партия бюросининг 19 та мажлиси ўтказилиб, уларда 43 та долзарб масала кўрилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди. Афсуски, бу қарорлар ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар билан мустаҳкамланмади. Бундан ташқари коммунистларга раҳбарларга талабчанликни ошириш ўрнига партия бюроси кўпинча уларнинг ишини қилди. Бу эса баъзи раҳбарларнинг масъулияти пасайиб кетишига олиб келди. Партия бюроси қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назоратни бўшаштириб юборди.

Масалан, партия бюроси мажлисларидан бирида корхона бош механиги К. Жамоловнинг иши жиддий танқид қилинди. Тадбирлар белгиланди. Р. Абдуллаев ҳисобот докладида партия бюроси бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигини тан олди. Чунки белгиланган тадбирлар ўз муддатида бажарилгани йўқ. Бундай тан олишнинг кимга кераги бор? Бунинг ўрнига технологик ускуналар ремонтини шу пайтгача йўлга қўйиш мумкин эди-ку.

Мана, бошқа бир мисол. Заводда бригада усули кенг ёйилмади. Партия бюроси касаба союз комитетининг раиси А. Ходаревнинг ҳамда меҳнат ва иш ҳақи бўлими ходимларининг шу масала бўйича ҳисоботини тинглади. Улар ўз вақтида кескин ва принципиал танқид қилинди. Чунки бригада усулини бўш ёйган эдилар. Яна тадбирлар белгиланди. Партия бюроси бу гал ҳам нуқсонларни қайд қилиш ва тадбирлар белгилаш билан чекланди. Унинг бажарилишини назорат қилишни эса унутди. Партия бюросининг секретари қилган ҳисобот докладида эса бу ҳақда: «Заводда бригада пудрати қонқарсиз жорий этилмоқда» деган жумла пайдо бўлди.

Социалистик мусобақани ташкил этиш ҳам худди шу зайлда. Ошкораликка, натижаларни солиштиришга эътибор берилмади. Ҳолбуки, бу ҳақда ҳам қарорлар қабул қилинган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, тежамкорлик бизнинг бутун иқтисодий ҳаётимизнинг ажралмас қонуни бўлмоғи керак. Асбобсозлик заводида бу кўрсатмага қандай амал қилинаяпти?

Докладда ва музокарада сўзга чиққан коммунистлар нинг сўзларида металл ўз вақтида етказиб берилмаётгани баҳона қилинди. Тўғри, шундай ҳоллар ҳам бўлган эди. Лекин мана, йиғилишда коммунист, 16-участка мастери Г. Никонов нималар деганига эътибор беринг-а.

— Заводимизда камёб материалардан бири — металли тежаш учун кураш олиб борилмайди, — деди у. — Брак натижасида кўплаб металлар ташлаб юборияпти. Ёки чиқиндига чиқариб юборияпти.

У шундай бир мисол келтирди. 7,5 тонна юқори сифатли, қимматли металдан 3,5 тоннаси ана шундай ташлаб юборилган. Мастер бу ҳақда завод директори О. Тошматов ва партия бюросининг секретари Р. Абдуллаевларга ўз вақтида хабар берган эди. Лекин улар ҳеч қандай чора-тадбирлар кўришмади.

Киров район партия комитети корхона партия бюросининг секретари Р. Абдуллаевнинг ҳисоботини бир пайтлар тинглаганида унинг жамоат ташкилотларига етарлича раҳбарлик қилмаётганини кўрсатиб ўтган эди. Р. Абдуллаев бу танқидни ҳам тан олади. Ҳақиқатдан ҳам доимий ишловчи ишлаб чиқариш кенгашлари, ўртоқлик суди, мураббийлар совети, мастерлар совети қонқарсиз иш олиб бормоқда. Докладчи уларнинг фаолиятида ташаббус кўрсатмаслик, кишилар билан жонли иш олиб бормаслик каби жиддий нуқсонларни ҳам таъкидлаб ўтди.

Партия бюроси ҳақиқатан ҳам бу жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилмай қўйди. Уларга талабчанлик кўрсата олмади. Ҳолбуки, уларга коммунистлар бошчилик қилишади. Бунинг ўрнига Р. Абдуллаев жамоат ташкилотлари ишлаб чиқариш ва тарбиявий масалаларни ҳал этишда партия ташкилотига ёрдам бермаганини айтиб ўтди. Бунга эса партия бюросининг ўзи айбдордир.

Музокарада сўзга чиққан коммунистлар М. Валиев, С. Иржонов, Г. Никонов, Р. Толибоевлар ҳам ўз бўлинмалари ишини холисона баҳоладилар. Уларнинг фикри ҳам бир жойдан чиқди: агар партия бюроси, ҳар бир коммунист ўзига топширилган соҳага масъулият ҳисси билан ёндошганида эди, бу нуқсонларнинг кўпчилигига барҳам берилган бўлар эди.

Асбобсозлик заводида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов партия йиғилиши шуни кўрсатдики, партия бюросининг янги составини ишга услубини ўзгартириши, яъни бошланган ишни охирига етказиши, ҳар бир коммунистга нисбатан унга ишониб топширилган соҳа иши учун масъулиятни ошириши, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан эса назоратни кучайтириши зарур.

А. БРОНШТЕЙН.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ва... МУХБИР... ХАБАР ҚИЛ...

СОЦИАЛИСТИК ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ САМАРАСИ


СОФИЯ. Толбухин шаҳрида электрон ва ностандарт аппаратлар заводи (ЗЕНА) кенгайтирила бошлади. Бу корхона Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда технология жараёнларини контроль қилиш ва бошқариш учун мўлжалланган электрон системаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Янги қувватлар яқин вақт ичидаёқ ишга туширилади. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини анча кўпайтирибгина қолмай, шу билан бирга унинг сифатини ошириш, хилларини кўпайтириш имконини ҳам беради.

ЗЕНА — социалистик иқтисодий интеграция самарасидир. Унинг маҳсулотини София радио электроника институти, шунингдек Москва, Харьков, Тошкент, Днепропетровск ва бошқа совет шаҳарларидаги миллий-тадқиқот институтлари лойиҳалаштиради. Болгария — Совет сан... корхона... вожланди. Масалан, ...тисоий ... ишга ... мамлакат... даланиш... байланг... мат кон... универсал... лар ана ... туфайли ... ди.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЗАФАРЛАРИ

БЕРЛИН. Энг муҳим тармоқларда жўшқинлик ва самарадорлик, ишлаб чиқариш ҳажми, ва маҳсулот сифати муттасил ошиб бораётганлиги — ГДР ташкил этилганлигининг 35 йиллиги нишонланаётган йилда республика экономикасига хос хусусиятлардир. ГДР Давлат Марказий статистика бошқармасининг юбилей йилида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида бу ерда эълон қилинган ахбороти шундан далолат беради.

Сентябрь ойи охирларига келиб саноат товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврларига нисбатан 4,3 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 7,6 процент ошди. Меҳнат коллективлари ГДР юбилейини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган социалистик мусобақа давомида аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқаришни изчиллик билан кўпайтириб бордилар. Бундай маҳсулот ишлаб чиқариш 5,5 процент ортди.



Халққа энд диктатура ағдарилганидан сўнг Никарагуанинг ҳукумати мамлакат энергетика ресурсларини ривожлантиришга эътибор бера бошлади. Мамлакатда жуда кўп бўлган ҳаракатлар... ларнинг энергиясидан фойдаланишга доир лойиҳаларни ишлаб бошланди.

Ҳозир Момотомбо вулқони этагида 35 мегаватт қувватга... республикада биринчи геотермал электр станция ишлаб тушир... СУРАТДА: станция ходимлари иссиқлик етказиб берилишини қилишмоқда.

АДН—ТАСС

ҲАМКОРЛИК САМАР...

ПРАГА. Бу йил Чехословакия деҳқонларининг ўрим-йиғим мавсуми битта ҳам дон нобуд бўлмайди, шиори остида ўтди. Гарчи ҳали айрим районлардан ўрим-йиғимнинг бориши тўғрисида маълумотлар келиб турган бўлсада, ҳозирнинг ўзидаёқ ғаллакорлар рекорд дон ҳосили йиғиштириб олишга муваффақ бўлдилар, деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Давлат омборларига 12 миллион тонна дон тўкилди. Кўпгина хўжаликлар гектар бошига 60 центнердан ортиқ ўртача ҳосилдорликка эришдилар.

Об-ҳаво шароитлари ўрим суръатларини бир мунча секинлаштирган бўлсада, қишлоқ меҳнаткашлари бу тўсиқни ҳам машина-трактор паркини мавсумга пухта тайёрлаганликлари, дала ишларини кенг кўламда химиялаш ва механизация л а ш т и ришлари, илғор тажрибани қўллаганликлари туфайли шараф билан бартараф этдилар. Масалан, мамлакат далаларида бугал ҳам қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишда республикалараро ва маҳаллий кооперациядан кенг фойдаланилди. Чехия областларининг механизаторларидан ту... зилган ... лар Словак... хўжаликла... раторлари... ларча ме... лар, ... комбайнчи... галла ве... Чехиядаги... га ёрдам ... келдилар.

Чехослова... лекциячилар... вет ҳамкор... лан ҳамкор... мўл ҳосилн... ли неғизла... роновская, ... чевка», «Р... бугдой навл... да жуда ю... бермоқда. ... республика... лари куп... либ чиқди.

ХАЛҚАРО ТАЙЁРЛОВ ИНСТИТУТИДА

БУДАПЕШТ. Шу кунларда 50 дан кўпроқ мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқидан беш юзга яқин йигит ва қиз Будапештдаги халқаро тайёрлов институтида ўқишни венгер тилининг биринчи ҳарфлари ва товушлари билан танишишдан бошлашди. Улар республиканинг турли олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун зарур бўлган билимларни бир йил мобайнида ҳосил қилишлари керак.

Ҳозирги ўқув йили, дейди институт директори Бела Шомош, бизнинг тарихимизда ўттиз тўртинчи ўқув йилидир. Шу вақт ичида ўқув аудиторияларининг техникавий базаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, тилни ўқитиш методикаси анча такомиллашди. Чет эллик студентлар минг соат луғат запасини ўзлаштириб олишларидан ташқари бўлажак касб тўғрисида дастлабки тасаввур ҳам ҳосил қиладилар. Уларнинг кўпчилиги битириш имтиҳонларидан кейин инженерлик, медицина, экономика, қишлоқ хўжалиги ихтисослари бўйича ўқишни давом эттирадилар. Тингловчилар одатдаги машғулотлардан ташқари Венгрия халқининг ҳаёти, унинг социалистик қурилишдаги муваффақиятлари билан актив равишда танишадилар, республиканинг корхоналари ва қишлоқ хўжалик кооперативларида бўладилар.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ДЕҲЛИ. Мадҳьяр-Прадеш штатининг Итарси шаҳрида Умумҳиндистон тинчлик ва бирдамлик ташкилоти миллий кенгашининг мажлиси очилди. Мажлис қатнашчилари тинчлик учун, АҚШ бошчилигидаги империализм кучларининг агрессив кирдикорларига қарши курашда миллионлаб ҳиндларнинг иштирокини активлаштириш масалаларини муҳокама қилмоқдалар. Мажлисда сўзга чиққан нотиқлар Рейган маъмурияти-нинг милитаристик йўлидан жиддий хавотирлик билдирдилар. Улар тўхтовсиз ядровий қуролланиш пойгасини авж олдираётган Америкаанинг биринчи зарба уришга мўлжалланган янги ядровий ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштирган, космик фазони ҳарбий мухолифлик майдонига айлантиришга уринаётган Вашингтоннинг ҳаракатларини қатъиян қоралашдилар. Бугунги кунда АҚШнинг сиёсати инсоният яшашининг ўзига таҳдид қилмоқда, деди мажлисда шу кенгашнинг бош секретари Перин Ромеш Чандра.

МАНИЛА. ... мамлакатлар... хўжалик ... бу ерда ... конференц... чилари Ми... Осиё давла... маси (АСЕАН... даги иқтисо... ларини янада ... риш керак, ... ни билдир... ференциял... этган Индо... лайзия, Син... ланд, Филип... ней вакил... тада АСЕАН... лоқ хўжалик... ларини ... ришга доир... қиқот нар... тўғрисида ... олдилар.



«Полициячилар учун мўъжизакор техника». Бронемашина. ТАСС фотоси.

АМЕРИКА—ПОКИСТОН ҲАРБИЙ ТИЛ БИРИКТИРУВИ КУЧАЙМОҚДА

ДЕҲЛИ. Вашингтон Покистоннинг ҳарбий потенциалини кучайтириш билан унинг ҳарбийлаштирилишига ошкора бошчилик қилмоқда. «Америка маъмурияти Исломободга ҳужум қилларини етказиб бериш учун ошкора замини ҳозирламоқда», — деб ёзади «Ҳиндустан таймс» газетаси. Деҳлида нуфузли манбалардан шу нарса маълум бўлдики, Қўшма Штатларнинг махсус хизмат маҳкамалари айни шу мақсадда гўё «Ҳиндистон Покистоннинг ядро қуроли жойлаштирилган объектларига бомба ташлаш ҳозирлик кўраётганлиги» тўғрисида маълумотнома тарқатди.

Пентагон, деб хабар қилади Ҳиндистоннинг ЮНИ агентлиги, Марказий разведка бошқармаси тўқиб чиқарган Деҳлининг «агрессив режалари» тўғрисидаги сохта маълумотлардан фойдаланиб Исломободга «мудофаа қуроли» ниқоби остида «Ҳокай» Е—2С разведка самолётлари қўшимча туркумини юборишни мўлжалламоқда. Бу ердаги хабардор доираларда бундай жосус самолётлар Покистон ҳарбий-ҳаво кучларининг ҳужумкорлик имкониятларини анча оширади ва Ҳиндистоннинг хавфсизлигига қўшимча таҳлика вужудга келтиради, деб ҳисоблашмоқдалар.

Маълум бўлишича, деб уқтиради агентлик, Пентагон Америка-нинг АН/ТПС—43 типидаги электрон кузатиш системасини ўзлаштиришда Покистонга «ёрдам бериш» учун у ерга бир гуруҳ мутахассисларни юборди. Америкаанинг электрон ку... темаси ... кучлари ... рини бош... трон жосус... ва Покис... қўшни ... нинг муро... цияли ўқув... ведка ал...ёт... учун мўлжал...

Америка... тон ҳарбий... тирувчи ку... ги Ҳиндис... дий хавотир... мокда. Мо... нистри Ш... Ҳиндистон... Покистоннинг потенциал... рилиши оғи... ларга одам... мумкин эм... ди ва ... мудофаа ... мустаҳкам... зарур тадбир... ди, деди...

● МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ...

«ТОҒОРА ЎЙИН»

Кўп қаватли уйларнинг энг юқорисида турувчилар кечалари юлдузларга термулиб яшайди. Уларнинг хонадони тепасида ҳеч ким йўқ, ҳеч ким туни билан музика қўйиб безовта қилмайди.

Лекин шундай баҳаво жойда яшашнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор экан. Хусусан, том носоз бўлса ва уй-жойлардан фойдаланиш участкаси раҳбарлари ваъдабоз бўлишса. Ўша бегубор осмон сал қовоқ солса ва ёмғир томчилаб қолса, уйинг тоғорага тўлиб кетар экан...

Юнусободнинг 6-кварталидаги 29-уйнинг энг баланд жойида яшовчилар икки йилдан буён ёмғир ёғса «тоғора ўйин» қилишади. Чунки томдан чакка ўтади. Икки йилдан буён 48-уй-жойлардан фойдаланиш участкаси раҳбарларидан ёрдам сўраб келамиз. Лекин улар пинак бузишмайди. Яқинда яна «тоғора ўйин» бошланди. Наҳотки мутасадди ўртоқлар бу йил ҳам фақат томошабин бўлиб турсалар?» деб ёзади оқсоқол Р. Сулаймонов.

Яна шу Юнусободдаги 2-кварталда, 25-уйда истиқомат қилувчи Шаловлар оиласидан келган хатда ҳам томдан чакка ўтаётганлиги ёзилган.

«Бир ойдан буён уйимизнинг 4-қаватидан сув оқиб, пастки қаватдаги квартиралар шипидан чакка томади. Шахсан бизнинг 32-квартирада ошхона тўхтовсиз сув томиб туради. Бу ерда овқат тайёрлаш, болаларни овқатлантиришнинг ҳеч иложи йўқ. Биз шу хусусда 48-уй-жойлардан фойдаланиш участкаси раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилиб, ёрдам сўрадик. Улар фақат қўл қуруқ ваъда беришади».

Юқоридаги иккала хат ҳам Юнусободдан ёзилган. Иккала хатдаги эътироз ҳам битта ташкилот — 48-ЖЭУ раҳбарларига билдирилган. Улар ўз ишига масъулиятсиз қарашаётганлиги, бепарво ва лоқайдлиги оқибатида одамларни йиллаб сарсон қилиб келишаётганини қандай изоҳлашар экан?

«Мен «Водоканал» трестига қарашли уйда тураман,—деб ёзади Уста Ширин кўчаси, 76-уй, 42-квартирада яшовчи пенсионер Дергачева. Ўзим ушбу трестда 35 йил ҳалол меҳнат қилиб пенсияга чиққанман. Бундан 4 йил бурун ўз ҳисобимдан уйни ремонт қилдирдим. Лекин ўшандан буён томдан чакка ўтадиган бўлиб қолди. Мана энди тўрт йилдан буён томимни ремонт қилдириб беришларини сўраб ўзим узоқ йил ишлаган қадрдон ташкилотимга қарашли уй-жойлардан фойдаланиш участкасига қатнайман. Аммо у ердаги ўртоқлар лоқайд ва бепарво. Бир куни ҳадеб боравераганимдан сўнг А. Синельников деган уста келиб, томни кўриб кетди. «Ремонт қилиш лозим, лекин материал йўқ» дейди.

Мана яна куз келди. Мен эса ҳамон аризабозлик қилиб юрибман. Менга ким ёрдам беради?».

Трестнинг номи «Водоканал», унга қарашли ЖЭУ раҳбарлари ҳам сувни яхши кўришади шекилли, момо. Шунинг учун ҳам улар 4 йилдан буён сизнинг зорингизга қулоқ солишмаётгандир.

Сўнгги хат Чилонзордан. 3-квартал, 67-уй, 10-квартира. Мавзу эса яна ўша — чакка.

«Мен 4-қаватда яшайман, аммо бундан жуда афсусланаман,— дейди хат муаллифи Елена Гук. Чунки ёғин-сочин бошланиши билан уйим «бассейн»га айланади. Айрим кунлари ошхонада зонтик остида овқат тайёрлашга тўғри келади. Ёмғирли кунлар уйим тоғора, кастрюль, челакка тўлиб кетади. Намликдан уй девори кўча бошлаган, ленолиум кўчиб кетган, доим унга қоқилиб юрамиз. 46-уй-жойдан фойдаланиш конторасидаги мутасадди ўртоқлар эса парвойи-палак, ўзи билан ўзи овора.

Мана яна куз келди. Уйимиз томи эса ўзимизга маълум. 46-ЖЭК раҳбарлари ҳам. Энди нима қилсак экан?».

Бу ерда ҳаққоний бир савол туғилади: нега оддийгина том ремонти жойларда шунча чўзиб келинади? Мутасадди ўртоқларнинг масъулиятсизлиги туфайли рўй бераётган сарсонгарчиликлар қачон тугаркин? Бу саволларга биз дабдабасиз, лўнда ва батафсил жавоб кутамиз!

М. ЮСУПОВ.

● «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Ноўрин таъна»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 2 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Улуғ Ватан уруши қатнашчиси М. Юсуповни Пролетар кўчасидаги темир йўл билетларини олдиндан сотиш кассасида қаттиқ хафа қилишгани баён этилган эди. Бу ерда собиқ фронтчиларга навбатсиз хизмат кўрсатилиши ёзиб қўйилганига қарамай, уларга эътибор даражаси мақтовли эмас. Кассир кекса солдатга хизмат кўрсатишни рад этибгина қолмай, ноўрин ибора билан навбатда турган кишиларни ҳам уни беҳурмат қилишга ундаган.

Тошкент пассажир станцияси бошлиғи И. Файзуллаевнинг редакцияга хабар қилишича, уруш қатнашчиси М. Юсуповга нисбатан касср Гришко қўполлик қилган. У қаттиқ огоҳлантирилди. «Ноўрин таъна» мақоласи станциянинг пассажирларга хизмат кўрсатиш билан алоқадор ходимлари ўртасида муҳокама этилди.

Станция раҳбарининг ёзишича, биз ўзимиз ҳам мақоланн тайёрлаш пайтида ишонч ҳосил қилганимиздек, касса биносида уруш нивалидлари ва қатнашчилари учун алоҳида дарча кўзда тутилган. Амарда бу - нонмгагина бўлса керак. Чунки бу дарча ёнида умумий, айниқса ёз пайтида узундан-узоқ навбатда турганлар пайдо бўлади.

Албатта ёзиб қўйиш осон, ёзиб қўйилганни бажариш эса анча мураккаб. Касса ходими Гришконинг қўполлигини тарбиясизлик белгиси дейиш мумкин. Факт фактлигича қолади: хизмат кўрсатиш соҳасининг бирор объектида уруш нивалидларн ва қатнашчиларига ҳурмат-сизлик билан қарашаётган экан, демак ўша коллективда тарбиявий ишлар даражаси гоят паст бўлади. Ҳозир мамлакат Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга, жонли уруш ғолибларининг жасоратларини ёд этишга тайёрланаётган бир пайтда юқоридаги кабн нуқсонларга йўл қўймб бўлмайди.

МАДАНИЯТ МАСКАНИДАГИ КЎНГИЛСИЗЛИК

Луқма

Театрга тушган одам яхши асар кўриб, дилим яйраса, маънавий ҳордиқ чиқариб, савлимни оширсам дейди. Бундан ҳам гўзал, бундан ҳам юксак орзу бўладиими. Лекин томошадан отасидан ноўрин дакки еган боладай дилн хуфтон бўлиб қайтса-чи!

«Кейинги пайтларда Муқимий номли театрда жиддий томоша кўриб кулиб қайтадиган, комедия кўриб йиғлайдиган бўлиб қолдик, — деб хат ёзади газетхон Мавжуда Ризаева. — Негаки, эълон қилинганидан бошқа спектакларни қўйиш бу театр учун одат бўлиб қолди. 10 сентябрь куни ҳам шундай бўлди. «Тўйдан олдин томоша» кўрсатадиган артистлар бошқа тўйга кетиб қолишганми, негадир «Хотинимнинг эри»ни кўришга тўғри келди. Афтидан томошабинлар ҳам бошқа жойдаги тўйнинг драгячни эшитиб, қуён бўлишган бўлса керак— зал (20 чоғли одамни ҳисобга олмаганда) бўм-бўш эди. Лекин биз ҳам «қизиқарли» томошадан қуруқ қолмадик. Саҳнадагидан кўра залдагиси қизиқ чиқди. 70 ёшлар атрофидаги бир нуронн онахон ўғли ва набиралари билан олдингн қаторга ўтиб ўтиришди. Уларнинг билети биринчи қаторга экан. Энди томоша бошланай деганда ҳувиллаб турган залнинг тўридан навбатчи аёл югура келиб, шовқин-сурон билан уларни ўрнидан турғаза бошлади. Чунки олдингн қатор биринчи эмас, «нолевой» — ҳурматли меҳмонларнинг жойи экан. Навбатчи аёл қизиқчи актёрлар йўқлигидан фойдаланиб, талантини синаб кўрмоқчи бўлди шекилли, кампирга юксак маданият, одобахлоқ кодексларидан цитаталар ўқий кетди. Агар у чиндан ҳам актёрликни машқ қилмаётган бўлганида нуронн онахонга оддийгина қилиб саммийларча тушунтирган ёки зал бўм-бўшлигнинн ҳисобга олиб майли ўтиравернг деган бўлар эди... Спектакль бошланганда залдагн томоша авжига чиқди. Ҳеч қандай билетн йўқ икки барзангн йигит ҳурматли меҳмонлар учун ажратилган нолинчи қаторда ёнбошлаб ётиб, томоша кўришди. Негадир, тартиб сақловчи опамиз уларнинг «мушугини пишт» ҳам демади. Биз ҳам томоша кўрнб, театрдан чиқаркаммиз, «маданий хизматларнигизга қойил-э» деб ибордик. Ҳурматли редакция, ана шу «миннатдорчилигим н з»нн театр раҳбарларига етказиб қўйсангиз».

Афсуски, бундай ҳол бирнчи марта бўлаётганн йўқ. Шу ўринда газетамизнинг шу йил 17 январь сонидагн «Антиқа томоша» номлн танқидий мақоланн ҳам, шу мақола юзасидан 9 февраль сонида босмлган театр директорн А. Раҳматуллаевнинг қуйидагн жавобини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз: «Театр дирекцняси рўй берган ҳодисадан тегишли хулоса чиқариб олади ва келгусида бундай фактларга йўл қўймаслик чорасини кўради».

Хўш, томошабинни қачонгача чалғитиш мумкин! Театр кнйнм ечилади ган жойдан бошланади, деб бежиз айтишмайди. Саҳнада томошабнига маънавий озиқ берадиган асар қўйилишдан тортиб, бу ерда уларга кўрсатилаётган барча хизматгача ўз номн билан маданий бўлмоғи керак. Акс ҳолда у ўзининг сўнгги томошабнинн ҳам йўқотишн ҳеч гап эмас.

М. АЛИЕВ.

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

10 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

ДАВРИМИЗНИ УЛУҒЛОВЧИ АСАРЛАР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини республикамиз ижодий союзлари ҳам катта ютуқлар билан кутиб олмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Композиторлар союзи правленесининг биринчи секретари, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Собир Бобоевич Бобоевга мурожаат қилиб, республикамиз музыка маданиятининг тараққиёт йўли, бастакор ва композиторларнинг юбилейига атаб яратаётган янги асарлари, ана шу муҳим санага бағишланган тадбирлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

—Ўтган 60 йил мобайнида республикамиз музика санъати равнақи йўлида катта қадамлар қўйилди,— деди С. Бобоев.— Ўзбек халқ миллий музика мероси сарчашмалари замирида музика санъатининг барча жанрларида бадиий баркамол асарлар яратилди. Ўзбек совет композиторлари ва бастакорларининг янги авлоди камол топди, истеъдодли ёш композиторлар етишиб чиқди. Улар халқимизнинг буюк бунёдкорлик меҳнатини тараннум этувчи, кишиларни маънавий-эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қиладиган, меҳнат, муҳаббат ва дўстликни улуғловчи ажойиб асарлар яратмоқдалар. Агар биз ўтган йилларга назар ташласак, классик ва халқ миллий музика мероси янги мазмун билан бойитилганлигини кўрамиз. Классик қўшиқчилик ва мақом жанри, опера ва балет санъати, симфоник ва эстрада музикаси равнақ топмоқда. Кўплаб музика билим юртлари, олий ўқув юртлари, профессионал ва ҳаваскорлик коллективлари, этнографик ва эстрада ансамблларини ўзбек совет музика санъати тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда.

Республика Композиторлар союзи қутлуғ юбилейга бағишланган санъат байрамлари, конкурс ва фестивал-лар ўтказмоқда. Уларда музика маданиятимизнинг бугунги кундаги ютуқлари ўз аксини топмоқда. Республикамизнинг йирик саноат корхоналарида, меҳнат коллективлари ҳузурида композитор ва бастакорларнинг ижодий кечалари, улар билан қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда. Юбилейга бағишланган ана шу тадбирларни амалга оширишда яқинда композиторнинг юбилейга бағишланган асарлари ижро этилди. Тез орада бундай тадбирлар Украина ва Арманистонда ҳам бўлиб ўтади.

Шу кунларда композитор ва бастакорларимиз Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб қатор асарлар яратишмоқда. Келгуси йили Москвада ўтказиладиган Жаҳон ёшлари фестивалига ҳам ижодий союзимиз катта тайёргарлик кўрмоқда. Айни пайтда республика театрлари учун йирик музика асарлари яратилмоқда. Композитор Улуғбек Мусаев «Алишер Навоий» балетига, М. Бафоев эса «Умар Ҳайём» операсига, М. Маҳмудов «Ибн Сино» операсига, С. Жалил «Зебунисо» операсига, Н. Зокиров ўзбек халқ оҳанглари асосида яратилган болалар учун мўлжалланган операларга музикалар ёзишмоқда. Бу музика асарлари республикамиз театрларининг ижодий репертуаридан муносиб ўрин олади.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

• *Врач маслаҳати*

БОЛАНИ ЧИНИҚТИРИШ ОМИЛИ

Бола организмини ташқи муҳитнинг нохуш таъсиротларига чидамли, мустаҳкам қилиш, унинг меҳнат қобилиятини ошириш — чиниқишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ҳар бир ота-она чиниқтириш йўли билан боласини кўпгина касалликлардан сақлаши мумкин.

Чиниқишнинг моҳияти шундан иборатки, бола организми ўзига зарар келтирмагани ҳолда ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирга қарши тура оладиган шартли рефлекслар ҳосил қилиши керак. Чунончи, бевосита совқотишдан олдин иссиқлик алмашинувини ўзгартириш, яъни иссиқлик ҳосил бўлишини кўпайтириш ва иссиқлик ажратилишини камайтириш лозим.

Болаларга сайр қилиш жуда яхши таъсир қилади. Агар бола йилнинг илиқ фаслида туғилган бўлса, уни туғруқхонадан чиққандан сўнг 3—4 кун ўтиши биланоқ ҳавога олиб чиқиш керак. Қишда туғилган болаларни эса, туғруқхонадан қайтгандан сўнг, орадан 2—3 ҳафта ўтгач, агар шу куни шамол бўлмаса, ҳаво ҳарорати минус 10 даража цельсийдан кам бўлмаса, сайр қилгани олиб чиқиш мумкин. Кунлар анча илиб қолганда шу ёшдаги болаларни 2 соатгача, совуқ кунларда эса 20—30 минутдан 2—3 маротаба сайр қилдириш мумкин. Икки ёшгача бўлган болалар совуқ кунларда очиқ ҳавода 4 соат, 2 ёшдан ошган болалар эса суткада 5—6 соат бўлишлари лозим.

Бола исиб кетмаслиги ва совқотиб қолмаслиги учун унинг ўзига хос хусусиятларини ва об-ҳаво шароитини ҳисобга олиш зарур. Совқотиб қолиш шамоллаш касалликларига олиб бориши мумкин.

Ёш болаларга ҳаво ва нур-ҳаво ваннаси яхши таъсир қилади. Ҳаво ваннасида хонадаги ҳаво ҳарорати 20—23 даража бўлиши керак. Болаларни ҳаво ваннасига ички кийимни ва йўргакларни алмаштириб аста-секин ўргата бориш керак. Бола бир ярим-икки ойлик бўлгандан бошлаб, уни 1—2 минут яланғоч қилиб қўйиш керак. Ҳаво ваннасининг муддати аста-секин узайтира борилади. Олти ойликкача бўлган болалар 8 минутгача, бир ёшга бориб улар 12—15 минут ванна қабул қилишлари мумкин.

Нимжон ёки совуқ ҳавога ўрганмаган болалар аста-секин, яланғоч қилиб ечинтирилади, дастлаб оёқ-қўлларини очилади, кейин белигача очиб қўйилади ва ниҳоят бола қипяланғоч қилиб қўйилади.

Қуёш ванналарини болани ҳаво ва нур-ҳаво ванналарига олдиндан тайёрлагандан кейингина бошлаш лозим. Қуёш ванналарини болалар сайр пайтида, тинч ўйинлар ўйнаётганда қабул қилади. Дастлаб қуёш ванналарининг муддати 5—6 минутдан ошмаслиги керак. Аста-секин, боланинг бадани қорая бошлагандан кейин 10 минутгача чўзиш мумкин. Қуёш ванналари қабул қилаётган пайтда ҳам, бу ванналарни қабул қилиш даври мобайнида ҳам боланинг аҳволини кузатиб туриш керак.

Ёш болаларнинг сув билан чиниқиши жуда ҳам фойдали. Буни аввало бадани 3—4 ойликдан эътиборан ҳўллаб артишдан бошлаган маъқул. Баданни нишқаб артиладиган сувнинг ҳарорати 32 даражадан кам бўлмаслиги керак, кейин аста-секин 27 даражагача туширилади. Бадан ҳаммаси бўлиб 5—6 минут артилади.

Бир-уч ёшдаги болаларнинг ювиниши учун сувнинг иссиқлиги дастлаб 20 даража бўлиши керак. Кейин аста-секин 18—16 даражагача туширилади. Мактабгача ёшдаги болалар иссиқлиги 16—15 даража бўлган сувда ювинишлари лозим.

Чиниқиш ҳамма болалар учун фойдали, касалманд, нимжон болалар учун эса жуда зарур омилдир. Хулоса қилиб айтганда, агар онлада ёки болалар муассасаларида болаларни муntазам равишда чиниқтириб борилса, улар бақувват, дуркин, соғлом бўлиб ўсадилар.

Ш. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги педиатрия илмий-текшириш институти клиникасининг бош врачи.

М. ДАМИНОВ,
Тошкент Давлат медицина институти болалар касалликлари кафедрасининг доценти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Холис хизмат бюроси

СИДҚИДИЛ КИШИЛАР

«Яхши, биронта оғир бемор келмади, навбатчилик хотиржамлик билан ўтди»— Жавлон Қосимов ўзича шундай деб мамнун ҳолда халатини ечаётган эди, ҳамшира Машкура Қосимова хонага шошилиб кирди:

— Жавлон ака, сизни операция хонасида кутишяпти.

Врач Ж. Қосимов операция столида ётган бемор Ҳамидулла Ҳайдаровни обдон текширди, ҳамшираларга зарур топшириқларни, қандай укол қилиш кераклигини буюрди, ўзи беморни ҳушига келтириш учун муолажа қила бошлади. Орадан анча вақт ўтди, шифокор бемор қошидан кетмади, навбатчиликни алмаштириш учун келган ҳамкасабасининг кистовига эса «Мен ўзим ҳушига келтирмасам, бирибир хотиржам кета олмайман» деб жавоб қайтарди. Ҳамидулла яхши соғайиб кетди. Унинг онласидагилар жонкуяр хирургга офаринлар айтишди. Бу пойтахтимиздаги 17-шаҳар касалхонасининг реанимация бўлимида бўлиб ўтган воқеадан бир шингил, холос.

Реанимация бўлимининг мудири Аюб Иброҳимов шуларни назарда тутиб, ўз ишининг фидойиси бўлган врач ва ҳамшираларни бежиз тўпламаган эмас. Бу шифохонада доволанган кўплаб беморлар меҳрибон шифокорларни Жавлон Қосимов, Шуҳрат Имомов, Ҳамшира Машкура Қосимовалардан чексиз миннатдор бўлишмоқда.

О. ОДИЛХОНОВ,
журналист.

РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР!

Мен кўпдан бери ўт пуфаги хасталиги билан азобланиб, даво тополмасдим. Янги ТошМИнинг 3-хирургия бўлимига ётдим. Бу ерда менинг касалимни Тоҳир Тўхтаев текшириб кўриб, аниқ диагноз қўйди, кейин операция қилиб, оғир дарддан холос этишди. Ҳозир бола-чақаларим бағрида яйраб юрибман. Ажойиб шифокор Тўхтаевга, хирург Абдуллаевга, шифокорларга чин қалбимдан раҳматлар айтаман!

М. ТОЖИБОЕВА,
2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонида истиқомат қилувчи пенсионер.

ТУҒРУҚХОНАМИ ЁКИ ҲАСРАТХОНАМИ?

Мен шу йил 12 август куни оғир аҳволда Собир Раҳимов районидаги 8-туғруқхонага ётдим. Врач-гинеколог Морозова менинг дардимни енгиллатиб, ёрдам берди. Лекин бу туғруқхонадаги тартибсизлик, шифокор ва ҳамшираларнинг бепарволиги ҳамма беморларни ранжитди.

Энага аёл оналарга кир халат, йиртиқ оқ чойшаб, сарғайиб кетган ёстиқ жилдларни беради.

— Тузукроқи, ювилгани йўқми! — деб сўраймиз.

— Йўқ, — дейди у, — борн шу, керак бўлса ўзларинг уйларингдан олиб келларинг.

Қарангки, бу туғруқхонада шунақа «қонда» бор экан. Она бўладиган аёллар уйларидан халат, сочиқ, клиёнка олиб келишар экан.

Бир палатада ётган ўн беш аёл талаб қилдик:

— Омборни бир кўздан кечирайлик, нималар бор экан!

Ё алҳазар баъзи шифокорлар ёлғончи ҳам бўлар экан. Омборда яп-янгн сочиқ, халат, оқ чойшаб каби буюмлар уюлиб ётарди. Ёқа ушлаб турган эдик, врач-гинеколог Насиба Санджалолова менга бақирди:

— Омборни текширишга нима ҳаққингиз бор, йўқолинг!

Мен ҳақни талаб қилганим учунми, орадан икки кун ўтгач, 14 августда даволамай туғруқхонадан чиқариб юборишди, соғлиғим ёмон-ку, десам ҳам бирор гап айтишмади.

Уйланиб қолдим, бу ерга бунақанги бепарво, лоқайд, кечки врачларни ким ишга тайинлаб қўйибди! Она бўлиш орзусида келган аёллар: «Бу туғруқхонами, ёки ҳасратхонами!» деб тўғри айтишмоқда.

М. ПЎЛАТОВА,
Саргузашт кўчасида истиқомат қилувчи она, ўқитувчи.

• СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

АСАЛНИНГ АСИЛИ

Ҳурматли редакция! Асалнинг аъло навлиги, софлигини аниқлаш мумкинми?
Журъат Камолов, Икром Алиев,
Андижон область, Андижон райони.

Асал ўзига хос тарафлари билан бошқа неъматлардан ажралиб туради. У боларининг қайси гуллар билан озиқланишига қараб турфа рангларда бўлиши мумкин. Жумладан, у оқ, нуқраранг, оч қаҳрабо, зарғалдоқ рангда учрайди, шунингдек асал қимёсимон, қаттиқ кристалланган масса кўринишида бўлади. Табиий асал ўз таркибида шакар, крахмал, қимём, ун қолдиқларини, шунингдек, ҳашарот, ғумбаклар, ҳашарот қўғирчоғи, мумлардан ҳоли бўлиши лозим.

Соф асалга қўшимча нарсалар қўшилганлигини осонликча аниқласа бўлади. Оз миқдордаги асал тоза сувда эритилади. Агар чўкмасиз эритма ҳосил бўлса, унда бегона жисмлар бўлмайди, унга бир-икки томчи йод эритмасидан қўшилганда ложувард рангни касб этмаса, демак асалда крахмал йўқ бўлади. Мабодо эритилган асалдан чўкма тушган бўлса-ю, унга бир оз миқдорда сирка томизилганида кўпириш ҳосил бўлса, асал таркибида бўр борлигидан далолат беради.

Асалнинг қайси хиллари асли навлиги билан ажралиб туради, деган саволга қуйидагиларни айтиш мумкин. Асалнинг ёмони бўлмайди. Бироқ, уларнинг орасида шифобахшлик даражаси ҳамда тотимлиги билан қуйидаги навлар ажралиб туради.

Қашқароеда асали— оч қаҳрабо рангли ёки оқ рангли бўлиб, нафис ёқимли ҳидга эга (ванил исли), у ўз таркибида 39, 59 процент фруктоза ва 36,78 процент глюкоза сақлайди.

Оқ акас асали — энг аъло асал навларидан бири ҳисобланади, унинг ўзига хос дидни қитиқлайдиган хушбўй ҳидли, ёқимли мазаси бор. Мазкур асал таркибида левулеза (ўта ширин қанд модаси) салмоқли миқдорда бўлганлиги туфайли, унинг кристалланиши жуда секинлик билан боради ва узоқ муддат давомида қовушқоқлигини сақлаб туради.

Жўка асали— аъло сифатли асал ҳисобланади. Мазкур асал ўта хушбўй, шаффоф, нимзаъфарон ёки хиёл яшил рангда бўлиши мумкин. У ўз таркибида 39,27 процент левулеза ва 36,05 процент глюкоза сақлайди.

Асил асаллар қаторида заранг, кашнич, лаванда, хўжагат, мойчақаймоқ, иссоп, ҳардал, маржумак, зирк гуллари асосида олинган асаллар ўзларининг тотимли ҳамда шифобахш тарафлари билан танилган.

Шуни айтиш керакки, асалнинг беғубор ҳамда шифобахшлигини сақлашда одамнинг тадбиркорона иш тутиши катта аҳамият касб этади. Асал мутлоқ ҳолда ёруғ жойларда ҳамда хона ҳарорати 60 градусдан ошадиган ерларда сақланмаслиги лозим. Уни руҳланган, тунука, жез ҳамда мисли идишларда сақламаслик керак. Шунингдек, нчи мойланган идишларда ҳам асал сақлаб бўлмайди. Мабодо асал кристалланган ҳолда бўлса, уни иссиқлик тафти билан эритишга ҳаракат қилманг, чунки асал таркибида мавжуд бўлган ҳаётбахш омиллар, нозик табиатли омиллар (фермент, амбар мойлари) парчаланиб кетади; асалнинг таркибидаги мураккаб мувозанат бузилишига шароит яратилган бўлади.

М. НАБИЕВ,
доришунос.



Тошкент трактор заводининг медицина-санитария бўлими коллективи ишчилар саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.
СУРАТДА: бош врач ўринбосари Е. Н. Фурцева ва хирург Х. С. Файзуллаев операцияга ҳозирлик кўришяпти.

Е. Пейтман фотоси.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ДОРИ ИЧГАНДА

Шифокор беморнинг дардини аниқлаб, унга даво бўладиган дори-дармонни белгилаб ёзиб беради. «Уч маҳал ичинг» деб ёзиб берилган дори эрталаб, пешин пайтида ва кечқурун ичилади.

Врач дорини белгилаганда «овқатдан олдин» ёки «овқатдан кейин ичинг» деб маслаҳат беради. Бемор бу кўрсатмага қатъий амал қилиши керак. Баъзи дорилар [масалан бром, йод препаратлари]ни овқатдан кейин ичиш керак, оч қорнига ичилса меъдани таъсирлантиради, кўнгилни беҳузур қилиб қустиради, сурункали ичилса гастритни келтириб чиқариши мумкин.

Иштаҳа очадиган, ичакнинг патоген флорасига таъсир қиладиган препаратлар (фталазол, сульгин, синтомицин) ва меъда деворини таъсирлантирмайдиган бошқа дориларни овқатдан олдин ичиш керак. Сурги дориларнинг тез таъсир қиладиганлари — инглиз тузи, канакунжут мойини эрталаб наҳорга, секин таъсир қиладиганлари— сано 'дамламаси, пургенни бутун кун мобайнида бир неча маҳал ва кечқурун ичиб ётса бўлади. Ухлатадиган дорилар —веронал, люминал, мединал, барбамил кабиларни ухлашдан ярим ёки бир соат олдин ичиш керак.

• СИЁСИЙ ЭКСКУРСИЯ

СИЁСИЙ ПЛАКАТЛАР УСТАСИ





ПОМНИ!

Таниқли тошкентлик жангчи-рассом Анвар Балканов «Ўзбекистон» нашриёти билан ҳамкорликда Ленин мавзусида, шунингдек, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб бир қатор плакатлар яратди. Улар орасида «В. И. Ленин Совет давлатининг асосчиси», «Меҳнат ордени Ильичга», «Сен ҳар доим стратегиясининг ғалабаси», «1941—1945» ва бошқа график асарлар актуал сиёсий мавзуда ишланганлиги, полиграфик ижроси билан ажралиб туради.

А. Балканов ўттиз йилдан буён графика санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келяпти. У ўз ижодини сиёсий мавзулардаги график асарлар яратишга бағишлади. Рассом уруш ва тинчлик мавзусида ҳам бир қатор асарлар яратмоқда. Бу жиҳатдан унинг «9 Май», «Сен етим эмассан», «Ғалаба билан Ўртоқлар», «Москвадан гапирамиз» ва «Унутма» деб номланган плакатлари алоҳида ажралиб туради. Рассомнинг график асарлари, плакатлари кўпгина республика ва халқаро кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Улар ўқув юртлари ва корхоналарнинг интерьерларини безаб турибди. У ўзининг бетакрор санъати билан тинчликни мустаҳкамлашга, одамларни уруш оловини ёқувчиларга қарши курашга даъват этмоқда.

О. АПУХТИН.

СУРАТДА: А. Балкановнинг «Унутма» деб номланган плакати; рассом ўз ижодхонасида.

Автор фотоси.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

ТОШКЕНТЛИК РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Чирчиқдаги машҳур адаблар маданият саройида тошкентлик акварелчи рассомлар кўргазмаси очилди. Кўргазмада намойиш этилаётган асарлар «Ўзбекхиммаш» комбинати меҳнатчиларининг турмуши ва иш жараёнларини акс эттиради. Ўзбек акварелчиларининг ижодий группаси Чирчиқдаги ана шу корхонада бўлиб, ишчиларнинг ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Акварель картиналарда уларнинг меҳнат манзараларини гавдалантирдилар. Марат Содиқов, Ғайрат Бойматов, Григорий Чиганов, Владимир Антонов ва бошқа рассомларнинг асарларида комбинатнинг тарихи, бугуни ва келажаги ёрқин тасвирланган. Уларнинг жанрли композициялари, портрет ва рангтасвир асарларида корхонанинг қаҳрамон меҳнатчилари амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари гавдалантирилган. Георгий Чигановнинг бир турқум акварель асарлари завод болалар ансамбли, шунингдек қозонхона-пай в а н далаш цехи ва темирчиларнинг бунёдкорлик меҳнати манзараларини акс эттиради. Ғайрат Бойматов эса ўзининг акварель асарларида меҳнат қаҳрамонларининг портретларини яратди.

Акварель усталари ўзларининг ана шу янги кўргазмасини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаганлар.

• Медицина янгиликлари

ЧЕКИШНИ ТАШЛАШГА ЧОРА БОРМИ?

Христофор Колумб тамакини Европага келтирганидан буён қарийб беш юз йил вақт ўтди, шу даврдан бери чекиш тарафдорлари ва унга қаршилар ўртасидаги ихтилоф сўнмади. Кашандаликка қарши турли чоралар кўрилди. Бироқ, чекувчилар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг бугунги кундаги маълумотларига кўра, ер юзида йилига қарийб олти миллион тонна тамаки чекилади! Чекувчилар дунё аҳолисининг деярли 40 процентини ташкил этади. Тамакининг офати мисли-сиз! Чекишга қарши тарғибот газета ва журналлар саҳифалари ҳамда сигарета қутиларидаги инкор этиш ифодаси орқали олиб борилмоқда. Миллиардлаб кишилар эса ҳамон чекмоқдалар!

Белоруссия санитария-гигиена илмий-текшириш институтида масалани ҳал этишнинг энг муҳим фактларини ҳисобга олишга ҳаракат қилинди. Биринчидан, кашанда ўз организмини «алдаб туриши» учун никотин таъмидан ва энг кам токсинли миқдоридан фойдаланиш. Иккинчидан, ичилгандан сўнг ўз шифобахшлик хусусиятини бажарилгач улгурмасдан организмдан ўтувчи таблеткадан ўзгача дори-дармон формасини яратиш. Учинчидан эса, оғизда сигарета ўрнига «нимадир» борлигини ҳис этиш ҳолатини яратиш ҳисобга олинди.

Шу йўсинда институтда «гамибазин» деб номланган резинка сақич ғояси юзага келди. Унинг таркибида озиқ-овқат моддалари билан бирга, никотинга қарши табиий шифобахш-анабазин гидрохлорид мавжуд. У кимёвий тузилиши ва таъмига кўра никотинни эслатади, шу билан бирга заҳарлилиги 30-40 маротаба кам. У хушбўй, одатдаги сақичдек чайналганида дори аста-секин оғиз бўшлиғига тарқалиб, чекишга бўлган ихлосни қайтаради.

Дори оғиз бўшлиғининг шиллиқ пардасига аста-секин тарқалиб бориб, ошқозон-ичак ферментларини, шунингдек жигарнинг тўсиқли функцияси зарарланишини ортда қолдириб, катта қон айланиш системасига етиб боради. Анабазин гидрохлорид қон таркибига қўшилгандан сўнг, бутун организмга тарқалиб, никотиннинг организмдан ювиш процесси амалга оширилади.

Гамибазин билан даволаш самараси 78,4 дан 99,5 процент орасида қалқиб туради, шу билан бирга, бу, киши чекишни ташлашга астойдил киришганида сезиларли ортади.

Янги восита кўплаб кишиларга ёрдам беришга ишониш мумкин. Никотинга қарши сақич ишлаб чиқариш Ереван кондитер фабрикасида йўлга қўйилди. У тез вақт ичида мамлакатимиз дорихоналарига тарқатилади. Дорихоналарда гамибазин ҳар қандай дори препаратлари сингари врач рецептига мувофиқ берилади.

Ф. ОРИПОВ.

• Наботот—ҳаёт манбаи

ХОСИЯТЛИ ГИЁҲ

Бўймодарон кўп йиллик, бўйи 20—80 сантиметрга етадиган ўсимлик. Илдизпояси шохланган бўлиб, ер остки навда ҳосил қилади. Бу новдадан илдизолди барглар ва поялар ўсиб чиқади. Пояси -бир нечта, тик ўсувчи, юқори қисми шохланган бўлиб, улар қалқонсимон гул тўпламлари билан тамомланади. Барги оддий, икки марта патсимон ажралган бўлиб, поядан бандсиз кетма-кет ўрнашган. Гуллари саватчага тўпланган. Саватчалар ўз навбатида қалқонсимон тўпгулни ташкил этади. Меваси — ясси, тухумсимон, кулранг. Бу гиёҳ ўзига хос хушбўй ҳидга эга. Қирлар, боғлар, йўл ёқалари, тоғ ёнбағирларида ўсади.

Бўймодарон халқ табобатида турли яраларни тузатишда ва қон тўхтатувчи омил сифатида қўлланган. XVIII ва XIX асрларда ўсимликнинг препаратлари дизентерия ва турлича қон оқишларни тўхтатишда ишлатилган. Сўнг унинг бу хосияти унутилгач, илмий медицинада фақат таом ҳазм қилиш фаолиятини яхшилаш ва иштаҳа очувчи сифатида қўлланилди. Олимларнинг изчил изланишлари натижасида айни пайтда ўша унутилган хосият қайта тикланди ва илмий асосда исботлаб берилди.

Ўсимлик таркибида каротин, К ва С витаминлари, ахиллеин алколоиди, эфир мойи, аспарагин, смола, фитонцидлар, хамазулен, ошловчи мураккаб моддалар сақлайди. Шунинг учун бўлса керак, у турли хасталикларда: ич кетиш, айниқса қон аралаш ич кетганда, бош оғриқни қолдиришда, пешобни ҳайдашда, ўпка сили, меъда-ичак хасталикларида, бавосилда яхши наф келтиради.

Халқ табобатида ўсимликдан тайёрланган дамлама ёки қайнатма тиш оғриғини қолдиришда, она сутини кўпайтиришда ишлатилади.

Хўш, дамлама қандай тайёрланади? Бунинг учун кострюлкага бир стакан қайнаб турган сув қўйилади ва ўсимликнинг ер устки қисмидан бир ош қошиқ солиб, бир соат мобайнида дамланади. Сўнгра докада сузилади. Тайёр бўлган дамламадан кунига 3 маҳал таомдан олдин бир ош қошиқдан истеъмол қилинади.

Бўймодарон ўсимлигини шаҳардаги дорихоналардан мутахассис маслаҳати билан харид қилиш мумкин.

М. МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Жонажон Ватан бўйлаб

«Коммунистик тарбия» луғати босмадан чиқди. Бундай луғат биринчи марта босиб чиқарилмоқда. Китобга коммунистик тарбия назарияси ва практикасининг турли масалаларига оид салкам 350 та мақола киритилган. Бу мақолаларда коммунистик тарбиянинг асосий йўналишлари, воситалари форма ва методлари таърифлаб берилган. Ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбия масалалари кўриб чиқилади. Интернационал, ватанпарварлик, ҳуқуқий, атеистик, эстетик, жисмоний тарбияга, турмушимиздаги салбий ҳолатларга қарши курашга махсус мақолалар бағишланган. Янги типдаги шаҳсни камол топтиришда оила, мактаб, меҳнат коллективларининг, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг, адабиёт, санъатнинг роли ёритиб берилган.

Китоб идеология активларига, пропагандистларга, партия ўқуви системасининг тингловчиларига, тарбия иши билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳаммасига мўлжалланган.

Луғатни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

***

Жаҳон почта иттифоқининг қарорига биноан 25 йилдан кўпроқ вақтдан буён ўтказилаётган Халқаро хатлар ҳафталиги бизнинг мамлакатимизда бошланди.

Замонавий алоқа воситалари ривожланганлиги ва такомиллаштирилганлигига қарамай, уларнинг энг қадимийси — почта алоқаси ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳар куни Совет Иттифоқида почтальонлар ўн миллионлаб хатларни етказиб берадилар. Биз ҳар куни почта қутиларидан олаётган газеталар, журналлар ва бошқа даврий нашрларнинг сонини эса ҳисоблаб чиқиш қийин.

Анъанага кўра, хатлар ҳафталиги давомида алоқа корхоналари ходимларининг аҳоли билан учрашувлари ўтказилади. Бундай учрашувлар одатда почта хизматини яхшилашга кўмаклашади. Мутахассислар ўзларн шаънига айтилган танқид сўзларини, фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга оладилар, хат жўнатувчилар эса мактубни қандай қилиб тўғри ёзиш тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар.

***

Кайшядорис (Литва ССР) гидроаккумулятор электр станциясининг қурилиш майдонига асбоб-ускуналар келтирила бошланди. 1600 минг киловатт қувватга эга бўлган мамлакатда энг катта ГАЭС келгуси йилда ток бера бошлайди. Электр станциясининг ишга туширилиши Игналина атом станцияси «кучи» дан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

***

Кишинёвдаги «Волна» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи энергетиклар, машинасозлар, металлургларда ҳамда нефть ва газ қувурлари қурувчиларига контроль қилувчи аппаратлар етказиб беришни кўпайтирди. Йил бошидан бери бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш қарийб 14 процент ўсди, корхонада ишловчилар сони эса илгаригача қолади. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш комплекс программаси амалга оширилганлиги туфайли бундай ўсиш таъминланди.

(ТАСС).

„ТО" спорт ҳафтаси


Тошкент — Олмаота шахмат матчи

Шундай қилиб, сиртқи «Дўстлик» матчида бир партияда, яъни иккинчи тахтада кураш давом этмоқда. Маълумки, бу тахтада тошкентлик шахмат мухлислари оқ доналарни суришмоқда. Улар ўтган ҳафтада навбатдаги—17-юришни эълон қилишган эди. Бу юриш — Cd—c1 «Вечерняя Алма—Ата» газетасининг 3 октябрь сонида эълон қилинди.

Уйлаш учун ажратилган муддат ўтди. Олмаоталик шахмат мухлислари тошкентликларнинг Cd2—c1 юришига КРс-8—е8 билан жавоб беришди. Кўрининб турибдики олмаоталик шахмат мухлислари ўйинни кескинлаштиришни исташмаяпти. Улар қулай фурсат кутишаётганга ўхшайди. Шу вазиятда сизлар навбатдаги — 18-юриш қандай бўлиши ҳақида фикр ва мулоҳаза билдиришларингиз лозим. Сизларга ҳам ўйлаш учун бир ҳафта муддат берилган.

Бирон сабабга кўра баҳсда иштирок этолмай қолган мухлислар учун иккинчи тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз. 1. d4 d5 2. c4dc 3. Kf3 Kf6 4. e3Cg4 5. C:c4 e6 6. h3 Ch5 7. Kc3 a6 8. g4 Cg6 9. Ke5 Kd7 10. Ke5:q6 h7:d6 11. Cf3 Kc6 12. a3 Ke6 13. Ca2 Cb7 14. Cb2 0—0—0 15. 0—0—0 Ka5 16. Kpe1 Kc4 17. Cb2—c1 Крс8—b8.

ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



Шундай қилиб навбатдаги—18-юриш қандай бўлиши керак! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Энг мақбул юришларни таклиф қилганларнинг исми ва фамилияларини газетада эълон қилинади. Бизнинг адресимиз: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик» матчи»]га. Таклифларингизни 32—55—32; 33—08—74 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

Теннис СССР шахмат чемпионати Тошкент-84

Кучлилар саралашмоқда

Шахримиздаги «Динамо» стадионининг теннис кортларида теннис бўйича СССР шахсий чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Мусобақаларнинг саралаш босқичида бир қатор кутилмаган натижалар қайд этилди. Жумладан, аёллар турнирида СССР ва Европа чемпиони Е. Елисеенко 18 ёшли москвалик И. Фишкинадан 6:7, 3:6 ҳисобида мағлубиятга учраб, совринлар учун курашни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Бу ўйин теннис мухлисларига чинакам роҳат бахш этди. И. Фишкина ўзининг кучли рақиби йўл қўйган барча хатолардан усталик билан фойдаланди.

Шуни айтиш керакки, эртаси куни И. Фишкинанинг ўзига турнирдан борадиган тбилисилик ўқувчи Л. С. Месхи билан уч соат баҳс юритишга тўғри келди. Бу учрашувда қобилиятли грузин теннисчиси 4:6, 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

Эркаклар турнирида ҳам кутилмаган воқеалар содир бўлди. Мамлакатимизнинг учинчи ракеткаси К. Пугаев динамочи Д. Ломановга 3:6, 3:6 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Совринлар учун кураш ҳал қилувчи босқичга кирди. Ҳademай кучлилар сафига халқаро мусобақаларда қайтган А. Зверев, С. Леонюк ва А. Чесноковлар қўшилишади.



СССР Қуролли Кучларининг Марказий музейи шу кунларда айниқса гавжум. Бу ерда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, чет эллардан ташриф буюрган меҳмонларни кўриш мумкин. Бу ерга ўша суронли йилларни, қуролдош дўстларни, машаққатли жанг йўлларини ва ниҳоят унутилмас 1945 йилнинг 9 Май кунини ёд этиш мақсадида Улуғ Ватан урушининг ветеранлари ҳам келиб туришади.

Музей экспозицияларида жанговар эсдаликлар, ҳарбий ўлжалар, қурол-яроғлар, суратлар, Совет Армиясининг қаҳрамонона тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи диарамалар бор.

СУРАТДА: музейнинг очиқ майдонидаги Улуғ Ватан урушн даври ва урушдан кейинги дастлабки йилларнинг ҳарбий техникаси.

ТАСС фотохроникаси.

ИНСОН, ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ

ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

Утган ҳафтада шаҳримизда 60 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Буларнинг 50 процентн йўл интизомига риоя қилишни ўзига эп кўрмаган қондабузар пиёдалар айби билан юз берди.

Икки миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Тошкентнинг қайси кўчасида бўлманг, пиёдаларнинг чексиз оқимини кўрасиз. Улар йўл ҳаракатининг тенг ҳуқуқли иштирокчиларидан бири ҳисобланишади. Шунинг учун уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шаҳримизда катта ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, пиёдалар учун транспорт серқатнов жойларда ер ости ўтиш жойлари, йўлкалар бунёдга келтириляпти, светофорлар ўрнатиляпти. Меҳнат коллективлари, ўқув ва тарбия муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари мавзуида кўплаб лекция, суҳбатлар уюштириляпти.

Лекин рўй бераётган ачинарли воқеалар хавфсизлик таъминланиши учун қоидаларни ўрганишгина кифоя қилмаслигини кўрсатмоқда. Бунинг учун ҳар бир пиёда унинг талабларига амал қилишга сўзсиз одатланиши ҳам талаб этилади.

Улфатлар билан пиво, сўнг ароқ ичган Н. Иванов учун навбатдаги кун одатдагидан бошқачароқ тугади. У мастлиги сабабли, теварак-атрофдаги кўп нарсани эътибордан қочириб қўйди. Серқатнов трасса бўйида эканлигини ҳам, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш лозимлигини ҳам мутлақо унутганди. Шунинг учун Мирзаахмедов кўчасида ҳеч қаёққа қарамай, трамвай линиясини кесиб ўта бошлади. Бекатга яқинлашаётган трамвайни кечроқ пайқади, унинг чап томонига ўзи урилиб кетди. Жароҳатланганлиги сабабли даволаниш учун 17-клиник касалхонага ётқизилди.

«Узбекгазстрой» крончиси А. Турғунбоев айбдор бўлган йўл-транспорт ҳодисаси юқоридаги воқеанинг деярли ўзгинаси. Озроқ фарқи шундаки, пиёда А. Турғунбоев қандайдир трамвай билан эмас, балки «Жигули» билан эпчилликда баҳслашмоқчи бўлди. Кеч соат ўнларда Богдан Хмельницкий кўчасида йўлнинг қатнов қисмини яқинлашиб келаётган автомашина олдидан кесиб ўтмоқчи бўлган пиёда А. Турғунбоевга спиртли ичимлик ичгани ҳам панд берди. У саломатлигини шифохонада тиклашига тўғри келди.

Интизомбузарликнинг жабрини пенсионерлардан Ж. Камолов ва М. Хабировалар ҳам тортишди. Ленинград кўчасида белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтаётган Ж. Камоловни автобус туртиб юборди. Ҳодиса рўй берган жойдан атиги бир неча қадам нарида пиёдалар йўлкаси бор эди. М. Хабирова эса Циолковский кўчасида қатнов қисмини кесиб ўтиш пайтида яқинлашиб қолган транспортнинг тезлигини ҳисобга олмади ва ўзи жабрланди.

● «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Газетамизнинг шу йил 21 сентябрь сонида босилган «Тошкент оқшоми» светофори» материалида «Главташшассавтотранс»га қаратилган 1-автокомбинатдаги нуқсонлар танқид қилинганди.

1-автокомбинат раҳбарларидан олинган жавобда айтилишича, мақола коллектив йиғилишида муҳокама қилинди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди. Ремонт ва техник хизмат сифатини, ёнилғи жиҳозларини созлаш ва автомобилдан чиқаётган газнинг зарарлилик даражасини текширишни назорат қилиш кучайтирилди.

Линияга техник носоз автомобилларни чиқармаслик юзасидан навбатчи механикларнинг шахсий жавобгарлиги оширилди. Хизмат бурчига совуққонлик билан қараганги, линияга техник носоз автомобиллар чиқариб юборилганн учун навбатчи механик А. Акбаров вазифасидан бўшатилди. Навбатчи механиклардан А. Кузьмин, Х. Маҳмудов, Е. Ковшенковларга қатиқ виговор эълон қилиниб, улар ойлик мукофотдан маҳрум этилдилар. Авторемонт устахонаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ҳ. Набиевга виговор эълон қилинди. Автомобилларни линияга чиқариш пайтида назоратни бўшаштирганликлари учун автоколонналарнинг бошлиқлари ҳам жазоландилар. Навбатчи механикларнинг иши устидан назорат даражаси пастлиги учун автокомбинат ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи Т. Мирсобитовга огоҳлантириш берилди. Ҳайдовчилар айби билан йўл-транспорт ҳодисалари сони ўсганлиги учун ҳаракат хавфсизлиги инженери Г. Якименкога виговор эълон қилинди.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

10 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

МУСОБАҚАЛАР КУНДАЛИГИ

● Футбол бўйича иккинчи лига еттинчи зонасида иштирок этаётган командалар мавсумнн якунлай деб қолишди. Бир неча тур олдин ғолиб аниқланди. Ҳаммадан кўп очко тўплаган Самарқандннинг «Динамо» командаси зона ғолиби бўлди. Энди самарқандликлар биринчи лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўтиш турнирида иштирок этишади. Самарқандликлар ўтган йили ҳам шундай турнирда иштирок этиб, омадсизликка учрашган эди. Бу сафар улар бор маҳоратларини ишга солиб, биринчи лигада республикамиз вакиллари бўлишини таъминлайди, деган умиддамиз.

Шу зонада баҳс юритаётган В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Старт» коллективи навбатдаги турни ҳам бой берди. Авиасозлар бу сафар «Шахриханеч» командаси футболчиларига 3:4 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

● Футбол бўйича Ўзбекистон Кубогининг соҳиби маълум бўлди. Биллур совринни Фарғонанинг «Автомобилист» командаси қўлга киритди. У ҳал қилувчи учрашувда Тошкентнинг «Средазкабель» командасини 4:1 ҳисобида енгди.

● Ўзбекистон ДОСААФи аэродромида авиамодель спорти бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилмоқда. Шахсий ҳисобда тошкентлик Алексей Пожимов ажойиб ғалабани қўлга киритди. У парашютли ракета класси мусобақаларида зўр маҳорат кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади. Бошқа класслар бўйича ўтказилаётган баҳсларда ҳозирча москвалик Александр Митрюков, мурмансклик Алексей Карягин олдинда боришмоқда.

● Чим-хоккей бўйича энг кучли саккиз аёллар командалари СССР чемпионати медаллари учун курашни давом эттиришмоқда. Бу баҳсларда Тошкент областининг «Политотдел» ва Андижон областининг «Андижанка» командалари ҳам қатнашишяпти. Сўнгги турда улар ўзаро баҳслашдилар. Тошкентлик қизлар сафардаги учрашувни кўтаринки ва ҳужумкор рухда ўтказиб, рақибларнни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Улар ҳозир турнир жадвалининг тўртинчи поғонасидан жой олиб туришибди.

● Қримда «Социалистическая индустрия» газетасининг совринн учун Бутуниттифоқ кўпкунлик велосипед пойгаси ўтказилди. Сўнгги босқичда тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов яхши қатнашди. У маррага бешинчи бўлиб келди.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—10/X да **Жизель**, 11/X да **Тоҳир ва Зуҳра**, 12/X да **Оловли фариштa**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —10/X да **Зебуннисо**, 11/X да **Афғон репортажи**, 12/X да Отелло.

кино

10 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АМРАПАЛИ»— **Санъат саройи** (катта зал, 17, 19.45, телефон 44-21-74).

«ТУГАЛЛАНМАГАН ҚЎШИҚ»— **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ҲАМТОВОҚЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-23).

«ОЧҚЎЗЛИККА ҚАРШИ МАККОРЛИК» —**Чайка** (18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ИСТИРОҲАТ БОҒИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҚУТЛОВ»—**Қозоғистон** (17, 20.00; 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ОТЛАРНИ ЭГАРЛАШ ВАҚТИ БЎЛДИ» —**Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ПАРОЛЬ: «РЕГИНА» МЕҲМОНХОНАСИ» — **Москва** (жуфт соатларда, телефон 33-05-01).

«БЛЕФ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ПРОФЕССОР ДОУЭЛНИНГ ВАСИЯТИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«НАЗАРДАН ҚОЧИРМА» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда телефон 33-44-52).

«ХАЁЛИЙ БАХТ» — **М. Шайхзода номли** (18.30, телефон 42-39-74)

11 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АМРАПАЛИ»— **Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 19.45 телефон 44-21-74).

«ТУГАЛЛАНМАГАН ҚЎШИҚ»— **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ҲАМТОВОҚЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ»—**Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-23).

«ОЧҚЎЗЛИККА ҚАРШИ МАККОРЛИК»— **Чайка** (11, 13.30, 16. 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ИСТИРОҲАТ БОҒИ» — **Искра** (жуфт соатларда) телефон 39-14-59).

«ҚУТЛОВ» — **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00; 12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ОТЛАРНИ ЭГАРЛАШ ВАҚТИ БЎЛДИ» — **Дружба** (жуфт соатларда телефон 66-15-75).

«ПАРОЛЬ: «РЕГИНА» МЕҲМОНХОНАСИ» — **Москва** (жуфт соатларда, телефон 33-05-01).

«ҲАЁЛИЙ БАХТ» —**М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, телефон 42-39-74).

«ОТЛАРНИ АСФАЛЬТДА БОҚИБ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«КЛЕОПАТРА» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 46-70-69).

«УНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚА БОШЛАДИ»— **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторн) ВА СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати— 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда стипендия берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисида ҳужжатлар, (286-формадаги медицина справкаси), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см., 4 дона 4х5 см. ҳажмдаги фотосуратлар, характеристика, таржиман ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (121, 30, 8-автобусларнинг «166-билим юрти», 3, 23-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси» бекатлари).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УЗ ССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА

автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича слесарлар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-электриклар, газ-электр пайвандчилар, токарлар, тараларни қабул қилиб олувчилар, шишаларни сараловчилар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ КОРХОНАЛАРГА

инженер-теплотехниклар, инженер-электриклар, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича инженерлар, совутиш ва компрессор қурилмалари бўйича инженерлар, қозонларни тузатиш бўйича слесарь, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича слесарь, секретарь-машинистка. Иш командировкага бориш билан боғлиқ.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ ЮК ТАШИШ АВТОТРАНСПОРТИ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ҳайдовчи-дизелистлар, автослесарлар, автоэлектриклар, токарлар, темирчилар, экономист.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАСИГА

химия ускуналари аппаратчилари ва лаборантлари, газ-электр пайвандчилар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, навбатчи слесарлар, токарлар, фрезерчилар, электрчилар, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича слесарлар, юкчилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИГА

«Е» категорияли ҳайдовчилар, автослесарлар, аккумуляторчилар, карбюраторчилар, мотористлар, токарлар, автоэлектриклар, бухгалтер, товаршунос.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт —Пролетар кўчаси, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти —2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти —Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанов кўчаси, 10-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22 квартал, 18-уй.

ТВ

ЧОРШАНБА

10 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Ўсимликлар олами».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 МОЛДАВИЯ ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИ ВА МОЛДАВИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТУЗИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 «Оқшом тароналари». Концерт.
22.30 «Москва музейларининг ноёб хазиналари».
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Менга рўмол ҳадя эт». Телефильм.
18.55 «Даниил Шафран». Фильм-концерт премьераси.
20.00 «Тажриба олдидан». 1-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
21.20 «Семирамида боғлари». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қадрдон иш». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ хоровод».
19.00 «Ҳалима Носирова». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ёзувчи ва замон». Совет ёзувчилари I Бутуниттифоқ съездининг 50 йиллигига бағишланган СССР Ёзувчилар союзи юбилей пленуми якунларига донр.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ўзбекистон симфоник музикаси ривожланишининг йўллари». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради.
21.30 Москва «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 ЎзССР халқ артисти Г. Ҳамроевнинг ижодий кечаси.
23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Тарвузли рейс». Телефильм.
18.40 Ўқитувчи экрани.
19.10 «Коинотни забт этувчилар». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Икки комедия». Телеспектакль (рус.).
21.00 «Тошкент қишга ҳозирлик кўрмоқда».
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА

11 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Горнчилар, қаердасиз!».
10.25 «Мактаб директорининг кундалиги». Бадиий фильм.
11.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телефильмлар: «Яқин қариндош», «Бор-йўғи бир сатр».
16.05 Тува АССР Давлат «Саяни» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Циалистик Меҳнати, гидрокурсчи Васильев билан Иркутскдан сўҳбат.
17.20 «Шахмат ҳафтаси».
17.50 «Тува ҳақида». Телефильм.
18.40 «Дунё ва биз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар университети». «Меҳнат — инсон коллективда ҳурматининг белгиси».
20.00 Футбол бўйича Европа чемпионатининг сўнгги Норвегия — Франция командаларн олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 СССРда ишлаб чиқарилган кўнгилочар Иттифоқи Давлат Большой театрн кўрсатилади.
00.10 Шахмат бўйича чемпионат.
00.25 «Дунё воқеалари».

● МТ I


9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Қишлоқ — Киножурнал.
10.30—10.40 «Қишлоқ нури». Фильм.
11.05—11.35 «Ижтимоий мандировка». Фильм.
12.05—12.40 «Оила». Тележурнал.
13.30 Совет ёзувчиларининг ҳақида ҳикоя қилади.
14.30 А. Грин ҳаёти ва ижоди.
15.20 «Врач ҳамшира». Бадиий фильм.
16.30 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Душанба—дан Пермь расмлари ҳақида телефильм.
19.30 Қирғизистон халқ рақс ансамбли концерти.
20.00 «Тажриба олдидан». 1-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қандай қарайсиз?».
21.30 «Время».
22.05 «Фамилиядош». Бадиий фильм.
23.10 «Агар ёшлик бўлса». Ҳужжатли фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Қадрдон дўстлар» (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 Болалар учун (такрорий).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қувноқ канал» учун фильм.
18.45 «Ёшлик» студияси. Сенинг замондошларинг.
19.15 «Дружба народов» — 1985 йилли — Советлар м
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Чўнтакдаги театр» жатли фильм.
20.10 «Инсон ва қонун» маси почтасида.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкилотларининг 60 йиллигига тароналари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қишлоқ — ёшлар учун масъулиятли».
22.25 «Баҳс». Ахлоқий ҳақларда кўрсатув.
23.25 Теннис бўйича чемпионати. «Динамо» стадионидан репортаж олинган).
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Йигирма минут». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Най навоси». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Реклама.
20.30 «Гилдирак». Бадиий фильм (рус.).
20.50 «Советлар кишилари, Ватан...».
21.30 МТ II



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ... кечки газетаси ... МҚ 19...

(«Вечерний Ташкент») ... Тошкент шаҳри ...

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат— 33-57-02; ... партия турмуши— 32-53-66; саноат —33-08-74; ... —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; ... шн ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, олий ... рн — 32-53-10; адабиёт ва санъат—33-01-... —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-01-... диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг ... Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Индекс ...

Р—12503. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8